

8-1-2020

## DEVELOPMENT OF FREE ECONOMIC ZONES IN THE CONDITION DIGITAL ECONOMY

J. Umirzoqov  
*Tashkent Financial Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Umirzoqov, J. (2020) "DEVELOPMENT OF FREE ECONOMIC ZONES IN THE CONDITION DIGITAL ECONOMY," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 32.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/32>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**Ж.А.Умирзоқов**  
*Тошкент молия институти*

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мақолада рақамли иқтисодиётга интеграциялаш босқичида эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)ларни ривожлантиришда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, замонавий рақамли иқтисодиёт тамойиллари орқали ЭИЗлардаги инвестицион муҳитни янада яхшилаш масалалари акс эттирилган. Ўзбекистон, МДҲ ва BRICS давлатларидаги ЭИЗларнинг фаолият натижаларига статистик ва SWOT таҳлил усуллари орқали баҳо берилган. Шунингдек, ЭИЗларни ривожлантириш борасида хорижий давлатлардаги замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда ЭИЗларни ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** эркин иқтисодий зона, инвестициялар, рақамли иқтисодиёт, инфратузилма, интеграция, логистика, фармацевтика тармоғи, SWOT таҳлили, МДҲ мамлакатлари, BRICS давлатлари, Ҳиндистон, комплекс ҳудудлар, рақамли технология

## **РАЗВИТИЕ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ**

В статье рассматриваются вопросы дальнейшего углубления экономических реформ в развитии свободных экономических зон (СЭЗ) на этапе интеграции в цифровую экономику, дальнейшего улучшения инвестиционного климата в СЭЗ через принципы современной цифровой экономики. Результаты деятельности СЭЗ в Узбекистане, странах СНГ и БРИКС оценивались с использованием методов статистического и SWOT-анализа. Кроме того, были даны рекомендации по развитию СЭЗ в Узбекистане с учетом современных тенденций развития СЭЗ в зарубежных странах.

**Ключевые слова:** свободные экономические зоны, инвестиции, цифровая экономика, инфраструктура, интеграция, логистика, фармацевтическая промышленность, SWOT-анализ, страны СНГ, страны БРИКС, Индия, сложные регионы, цифровые технологии

## **DEVELOPMENT OF FREE ECONOMIC ZONES IN THE CONDITION DIGITAL ECONOMY**

The article was described the issues of further deepening economic reforms in the development of free economic zones (FEZ) at the stage of integration into the digital economy and improving the investment climate in the FEZ through modern digital economy principles. The performance of FEZs in Uzbekistan and the CIS and BRICS countries was assessed using statistical and SWOT analysis methods. In addition, recommendations have been given was about developing of FEZs in

Uzbekistan, taking into account modern trends in the development of FEZ in foreign countries.

**Key words:** free economic zone, investments, digital economy, infrastructure, integration, logistics, pharmaceutical industry, SWOT analysis, CIS countries, BRICS countries, India, complex regions, digital technologies

## **КИРИШ**

XX аср ўрталаридан бошлаб иқтисодиётнинг таянч нуқталарига айланган ЭИЗлар фаолиятини кенгайтиришга дунё миқёсида жиддий эътибор қаратилди. Давлатлар иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган ҳудудларини хорижий капитал ҳисобига ривожлантириш, улардаги ишсизликни бартараф этиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, рақамли технологияларни ўзида акс эттирган йирик лойиҳаларни амалга ошириш орқали “Ҳудудий ривожлантириш сиёсати”ни олиб боришди.

Ҳозирги вақтда ЭИЗлар орқали инвестицияларни жалб қилишдаги мавжуд иқтисодий либераллашув муаммоларини бартараф қилиш чоралари изчил амалга оширилмоқда. Бу борада Республикамизда ишлаб чиқилган амалий чора-тадбирлардан бири сифатида солиқ ислоҳотлари муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 2019 йилда “фойда солиғини ҳисоблашда янги технологик учқуналар харид қилиш, объектларни қуриш ва модернизация қилиш харажатлари бўйича чегирмалар кенгайтирилди”, “Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил қилиши кутилмоқда” [1].

Бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси ўзгариб бориши, жаҳон миқёсидаги иқтисодий глобаллашув ва интеграцион шароитда рақобат тобора кучайиб бораётгани мамлакатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан тараққий эттириш учун янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этмоқда. Бу эса ЭИЗларни ташкил этиш ва уларни ривожлантиришда замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий сиёсат юритишни талаб этади.

Шунингдек, ЭИЗларни янада ривожлантириш борасида рақамли иқтисодиёт шароитида улар фаолиятига ахборот-коммуникацион технологияларни тадбиқ этиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев жорий йилда Олий Мажлисга Мурожатномасида: “Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради” [1], дея алоҳида таъкиблаб ўтдилар.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, республикамизда фаолият олиб бораётган ЭИЗларни ривожлантиришда бир қатор ўз ечимини кутаётган

муаммолар мавжуд. Хусусан, ЭИЗни маъмурий бошқарув тизимини либераллаштириш, инвестицион лойиҳалар экспертизасида рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, улардаги тадбиркорлик субъектларига бино ва ер майдонларини ажратишда жаҳон стандартлари талабларига жавоб берувчи яхлит механизмни ишлаб чиқиш кабилар тадқиқот мавзуси долзарблигини кўрсатиб турибди.

### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

ЭИЗларнинг мазмуни ва моҳияти, уларни ташкил этиш, бу борада хорижий тажрибалар асосида илмий тадқиқотлар олиб боришда бир қатор олимлар фаол иштирок этишган.

Жумладан, иқтисодчи олимлардан Т.Farole ва F.Dobrogonov мазкур ҳудудларнинг амалий жиҳатини таъкидлаб, “Мазкур тузилмалар ривожланаётган давлатлар учун кўшимча истеъмол бозорларини эгаллаш имкониятини яратиб беради ҳамда давлатларнинг экспорт салоҳиятини юксалтиради. Айтиб бериш керакки, шунингдек, давлатларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ва экспорт салоҳиятини яратишнинг асосий шартлари бўлиб, улар денгиз портлари, ҳаво чегарасидан иборатдир. Уларда миллий ва хорижий ишбилармонлар учун ташқи савдо, умумий иқтисодий ва бошқа соҳаларда қулай бизнес муҳити яратилади [4].

Россиялик иқтисодчи олим В.Д.Адрианов: “Эркин иқтисодий ҳудудлар миллий ҳудуднинг бир қисми бўлиб, иқтисодий муаммолар ечимини топишда кенг имкониятларни яратиб беради [3]”, дея таърифлайди.

В.Г.Игнатов, В.И.Бутовларнинг фикрича, ЭИЗлар – чекланган ҳудудлар бўлиб, улар денгиз портлари, ҳаво чегарасидан иборатдир. Уларда миллий ва хорижий ишбилармонлар учун ташқи савдо, умумий иқтисодий ва бошқа соҳаларда қулай бизнес муҳити яратилади [4].

Шунингдек, ушбу ҳудудларнинг жаҳон амалиётидаги синоним тушунчаларидан бири, махсус иқтисодий зона (МИЗ)лар Р.И.Зименков томонидан қуйидагича таърифланади: МИЗ – бу миллий иқтисодий маконнинг бир қисми. Бу ерда миллий ҳамда чет эллик тадбиркорлар учун алоҳида имтиёзли иқтисодий режим амал қилади. Уларнинг вазифаси ижтимоий-иқтисодий, илмий ва техник муаммоларни ҳал қилишда намоён бўлади [5].


Ушбу йўналишни давом эттирган И.Р.Тазутдинов эса, “МИЗ – бу давлатнинг алоҳида қисми бўлиб, унинг ҳудудида институционал инфратузилма мавжуд бўлиб, унинг ҳудудида ташқи дунё билан иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи махсус ҳуқуқий ва маъмурий режим мавжуд бўлади” [6], дея таъкидлайди.

Баъзи тадқиқотчилар, замонавий интеграцион жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, ЭИЗларга алоҳида таъриф бермайди. Хусусан, В.И.Баронов ва Г.М.Костюниналарнинг тадқиқот ишларида кўрамиз. Уларнинг ишларида ЭИЗлар жойлашган аниқ минтақа ёки давлатдаги ЭИЗларнинг ҳуқуқий мақоми, улардаги иқтисодий ҳолат таҳлил этилади [7].

Мамлакатимизнинг етук иқтисодчи олимлари томонидан ЭИЗлардаги имтиёзли тартиб ва маъмурий бошқарув соҳасига кўпроқ эътибор қаратилган ҳолда турлича ёндашилади. Шу сабабли, А.В.Вахабов, Ш.Х.Ҳажибакиев, Н.Г.Муминовларнинг фикрича, Эркин иқтисодий зоналар – шундай географик

ҳудудки, унда мамлакатда қабул қилинган хўжалик фаолияти тартибига қараганда имтиёзли солиқ тўлаш тартиби жорий этилади. Бошқача сўз билан айтганда, ушбу ҳудудда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви камайтиради ва бу миллий иқтисодий маконнинг бир қисми булиб, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган маълум имтиёзлар тизими жорий этилади [8].

Сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилган тадқиқот натижаларини кўрсак, ушбу ишларда ЭИЗлар иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни бартараф этиши, мамлакат иқтисодий тизимининг либераллашувига хизмат қилувчи хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор берилатёганлигини кўрамыз. Жумладан, Ш.И.Мустафақуловнинг таъкидлашича, эркин иқтисодий ҳудуд – бу мамлакатнинг имиджи ҳам. Эркин иқтисодий ҳудудлар, ҳатто, ёмон фаолият юритган тақдирда ҳам мамлакатни либераллашувига хизмат қилади. Эркин иқтисодий ҳудуд қайси мамлакатда, унинг қайси ҳудудида яратилмасин, у ижтимоий лойиҳадир. Ҳудудни яратиш нафақат ҳудуд учун кўшимча даромад келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали қайтим беради [9].



### 1-расм. ЭИЗларнинг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи модель

*Манба:* Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида тузилган.

Шунингдек, А.А.Остонақуловнинг фикрича, эркин иқтисодий зона –... иқтисодиётни диверсификациялашнинг ҳудудий услуби сифатида фойдаланиш ҳамда замонавий технологияларни иқтисодий тузилмага жорий қилиш учун ташкил этилган ҳудуддир [10].

С.С.Бозаровнинг таъкидлашича, “Эркин иқтисодий зона – давлатнинг иқтисодий ва жўғрофий жиҳатдан қулай ҳудудида ташкил этиладиган, мамлакат иқтисодиётини комплекс тарзда ривожлантирадиган ва унинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлайдиган, алоҳида имтиёзлар

мажмуини ўз ичига олган режимга эга бўлган ҳамда чет эл элементи билан мураккаблашган турли хил ҳуқуқий муносабатлар амалга ошириладиган махсус ажратилган ҳудуд” [11] дир.

Хусусан, Ўзбекистонга қарашли бўлган Фарғона вилояти таркибига киритилган Сўх тумани Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган. Агар ушбу ерларда ЭИЗ ташкил этилса, Ўзбекистон учун эксклав ЭИЗ бўлиб, Қирғизистон Республикаси учун анклав ҳудуд ҳисобланади. Бизнингча ЭИЗлар фақатгина мамлакат ичкарисида эмас, балки мамлакатга нисбатан ташқарида, яъни анклав тарзда ҳам жойлашиши мумкин. Бу борадаги муаллифлик таърифи юқоридаги 1-расмда тасвирланган моделда келтирилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Мазкур тажқиқот ишида дедукцион ва индукцион методлар асосида шарҳлаш, статистик ва SWOT таҳлил асосида ҳудудлар имкониятларини баҳолаш, кузатиш каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, мамлакатимизда бир қанча тадқиқот муассасалари, илмий марказлар ва мутасадди ташкилотлар бу борадаги янгича ёндашувлар, хорижий тажрибаларни ўрганмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда фаолият олиб боровчи “Taraqqiyot Strategiyasi” маркази Швейцариянинг “Peace Nexus” фонди ёрдамида мавжуд ЭИЗларнинг жорий ҳолатини ўрганиши ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқди. Тадқиқот “Қўшма Ҳаракатлар Тадқиқоти” (Participatory Action Research-PAR) методологиясига асосида 50 дан ортиқ интервьюлар ва ЭИЗларда фаолият олиб бораётган дирекциялар, инвесторлар, ишчилар, маҳаллий тадбиркорлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва аҳоли билан сўровномалар ўтказилган [12]. Ушбу ўтказилган сўров натижаларидан олинган умумий хулосалар ҳам ишда методолик асослар бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, “эркин иқтисодий зоналар асосан йирик минтақавий бозорларга чиқиш имкониятига эга қулай географик ҳудудлар ҳамда хом ашё ресурсларига бой ҳудудларда барпо этилади. Бу мазкур иқтисодий зоналарда ишлаб чиқариладиган ёки қадокланадиган товарларни реализация қилиш имкониятини оширади. Саноати ривожланган давлатларда эса ушбу зоналар инфраструктураси ривожланмаган, давлатнинг бошқа ҳудудларига қараганда ривожланиш суръати паст даражада бўлган ҳудудларда ташкил қилинади. Бу фуқароларни иш билан таъминлаш, ички ва ташқи молиявий ресурсларни улар ҳудудига йўналтириш, инфраструктураси ривожланмаган ҳудудларни ривожлантириш имкониятини вужудга келтиради” [13].

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 21 та эркин иқтисодий зона ва 100 дан ортиқ кичик саноат зоналари фаолият юритмоқда. Саноат тармоқлари бўйича 9 та, фармацевтика тармоқларида 7 та, қишлоқ хўжалик тармоқлари бўйича 2 та, туризм, транспорт логистика, спорт инвентарларини ишлаб чиқариш тармоқларида 1 тадан ЭИЗлар ташкил этилган. “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Хазорасп” эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 46 миллион долларга тенг 62 та лойиҳа амалга оширилган, 4 минг 600 тан ортиқ иш ўринлари яратилган [14].

ЭИЗ томонидан 2019 йил ноябрь ойи якуни ҳолатига 194 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**ЭИЗлардаги инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот [15]**

*2019 йил ноябрь ойи ҳолатига*

№	Эркин иқтисодий зона номи	Жами амалга оширилган лойиҳалар			
		сони	қиймати (млн. долл.)	шундан, хорижий инвестиция	иш ўринлари сони
<b>Ўзбекистон Республикаси бўйича</b>		<b>194</b>	<b>1191,9</b>	<b>389,4</b>	<b>13 363</b>
1.	"Нукус-фарм" ЭИЗ	3	16,2	3,9	430
2.	"Ғиждувон" ЭИЗ	13	44,9	0,0	776
3.	Бухоро-агро ЭИЗ	0	0,0	0,0	0
4.	"Жиззах" ЭИЗ	16	106,5	55,9	1 614
5.	"Навои" ЭИЗ	32	170,9	50,0	1 269
6.	"Наманган" ЭИЗ	0	0,0	0,0	0
7.	"Ургут" ЭИЗ	31	102,3	19,6	1 634
8.	"Сирдарё" ЭИЗ	21	75,2	26,5	1 332
9.	"Сирдарё-фарм" ЭИЗ	3	51,0	0,0	516
10.	"Термиз" ЭИЗ	0	0,0	0,0	0
11.	"Ангрен" ЭИЗ	50	585,3	221,4	4 409
12.	"Чорвоқ" ЭТЗ	0	0,0	0,0	0
13.	"Кўкон" ЭИЗ	19	32,2	10,4	1 216
14.	"Ҳазорасп" ЭИЗ	5	7,1	1,7	157

Лойиҳаларнинг қиймати жами 1191,9 млн.доллар (шундан, 389,4 млн.доллари хорижий инвестиция)ни ташкил этади. Ушбу лойиҳалар орқали 13363 нафар янги иш ўринлари ташкил этилган.

Шунингдек, фармацевтика тармоғини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ЭИЗлар ҳам ҳозирги кунда амалга ошириляётган ва истиқболдаги қатор лойиҳалар мавжуд (2-жадвал).

Фармацевтика соҳасидаги ЭИЗларда жами 7 та лойиҳалар амалга оширилган, уларнинг қиймати 67,5 млн.долларга тенг. Қолаверса, ҳозирга қадар уларда умумий қиймати 210,0 млн.доллар миқдоридagi жами 33 та лойиҳалар амалга оширилмоқда. Келгусида яна 24 та истиболли лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 216,8 млн.доллар миқдоридagi инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган.

**2-жадвал**


**Фармацевтика соҳаси ЭИЗларидаги инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот [15]**

*2019 йил ноябрь ойи ҳолатига*

№	Эркин иқтисодий зона номи	Жами амалга оширилган лойиҳалар		Жами амалга ошириляётган лойиҳалар		Жами истиқболли лойиҳалар	
		сони	қиймати (млн. долл.)	сони	қиймати (млн. долл.)	сони	қиймати (млн. долл.)
<b>Ўзбекистон Республикаси бўйича жами</b>		<b>7</b>	<b>67,5</b>	<b>33</b>	<b>210,0</b>	<b>24</b>	<b>216,8</b>
1	"Нукус-фарм" ЭИЗ	3	16,2	3	16,4	2	16,9

2	"Андижон-Фарм" ЭИЗ	0	0,0	0	0,0	8	50,5
3	"Зомин-фарм" ЭИЗ	0	0,0	3	10,2	4	104,5
4	"Косонсой-фарм" ЭИЗ	0	0,0	6	8,6	7	43,1
5	"Сирдарё-фарм" ЭИЗ	3	51,0	7	107,9	0	0,0
6	"Бойсун-фарм" ЭИЗ	1	0,3	4	8,2	2	1,1
7	"Паркент-фарм" ЭИЗ	0	0,0	6	18,7	0	0,0
8	"Бўстонлик-фарм" ЭИЗ	0	0,0	4	40,0	1	0,7

Йиллар кесимида ЭИЗга киритилган инвестициялар ҳажмини макроиктисодий кўрсаткичларга нисбатан таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу ҳудудларга киритилган хорижий инвестицияларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2013 йилда 0,1 %ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2014-2018 йиллар оралиғида ўртача 0,1-2,6 %ни ташкил қилган [16].



### 1-расм. Ўзбекистонда ЭИЗларга киритилган хорижий инвестициялар ҳажми ва уларнинг макроиктисодий кўрсаткичлардаги улуши [16]

Албатта, қайд этилган мазкур ҳолатни, ЭИЗларга киритилган хорижий инвестицияларнинг ошиб бориши билан бир қаторда мамлакат ЯИМ ҳажмининг ҳам ўсиб бораётганлиги билан пропорционал равишда ҳаракатланганлиги орқали изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда ЭИЗни ривожлантириш борасида қатор муаммолар ҳам борлигини кўрамиз. Буни Ўзбекистонда фаолият юритадиган ЭИЗларнинг 3-жадвалда келтирилган SWOT таҳлили орқали кўриб чиқамиз. Мазкур таҳилда ЭИЗларнинг географик ва ижтимоий инфратузилмаси ҳолатига алоҳида эътибор қаратилган.

Таҳлил натижаларига мувофиқ, мавжуд муаммоларни ҳал этишда МДХ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) мамлакатларида иқтисодий жиҳатдан турғунликдаги айрим ҳудудларида иқтисодий санация чораларини кўриш



мақсадида ташкил этилган ЭИЗ бўйича тажрибаларни кўриб ўтамиз. МДХ мамлакатларида ЭИЗларни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун амалга оширилиб келинаётган қатор чора-тадбирлар мамлакатдаги иқтисодий вазият ва инвестициявий муҳит таъсирида шаклланмоқда. 1990-2015 йиллар давомида МДХ давлатларида 120 га яқин ЭИЗлар ташкил этилди. Аммо, 1990-1995 йиллар давомида турли сабабларга кўра (ташкилий-ҳуқуқий, инфратузилма тармоқлари, молиявий сабаблар) уларнинг аксарияти ўз фаолиятини якунлашга ҳам мажбур бўлган. ЭИЗларни қулай иқтисодий ҳамда инвестициявий иқлим ва вақтда ташкил этган мамлакатларда ҳозирги кунда ҳам хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳамда экспорт савдо айланмасининг географиясини кенгайтиришда ЭИЗлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Жумладан, Россия, Қозоғистон, Арманистон, Молдова каби давлатлар бунга мисол бўлади.

МДХ мамлакатларидан ҳисобланган Арманистондаги мавжуд тартибга кўра, тадбиркорлик субъектлари ўзларининг тегишли бизнес режалари Республика Ҳукумати томонидан ижобий баҳоланиб, амалиётга тавсия этилиши лозим. Арманистон Бутунжаҳон Савдо ташкилотининг аъзоси (05.02.2003 й.) бўлганлиги сабабли ҳам ЭИЗлар борасида миллий божхона тизими тубдан ислоҳ этилган. Жумладан, божхона декларациясини электрон кўринишда тўлдириш ва юбориш, экспорт-импорт учун алоҳида “коридор” ташкил этиш, бу борадаги расмий ҳужжатларни 9 тадан 3 тагача қисқартиш кабилар ижобий ҳолдир. Арманистонда фақатгина ЭИЗлар учун конвертация асосида хорижий валютада савдо ишларини олиб боришга рухсат этилган. Бошқа ҳудудларда эса миллий валюта тизими амал қилади. Қолаверса, ЭИЗлар учун “ягона ойна” тамойили асосида давлат интерактив хизматлари кўрсатиб келинмоқда. МДХ етакчи давлатларидан бири – Қозоғистонда бошқа давлатларга нисбатан ўз ҳудудидаги ЭИЗларга бераётган имтиёзларининг ўзига хос аҳамиятли жиҳатлари бор. Жумладан, “Инновацион технологиялар Парки” га қуйидаги қўшимча имтиёзлар тақдим этилган: ижтимоий солиқни 100%га қисқартиш, амортизация ажратмаси нормасини чегаралаб қўймаслик, ундириладиган солиқларнинг 15-45% гача дастурий таъминот учун сарфлашга рухсат бериш кабилардир.


## Ўзбекистон шароитида ЭИЗ фаолияти юзасидан SWOT таҳлили

<b>КУЧЛИ ТОМОНЛАР</b> Strengths	Янги ишлаб чиқариш объектларини қуриш учун эркин ер участкаларининг мавжудлиги, тайёр инфраструктуралар (э/энергия, газ, сув, канализация, йўллар, темир йўл контейнер майдончаси), минтақанинг бой минераль хом ашё базаси (фойдали қазилмалар, қурилиш материалларини қазиб олиш)нинг мавжудлиги	<b>КУЧСИЗ ТОМОНЛАР</b> Weaknesses	Ривожланмаган ижтимоий инфраструктура
	“Навоий” МИЦЛ, темир йўл, автомагистральнинг мавжудлиги		Етарли бўлмаган кадрлар салоҳияти (корхоналарнинг Дирекциялари ва техник мутахасислари учун)
	Туркменистон, Афғонистон ва Яқин Шарқ бозорларига чиқиш		Юк ташиш нархининг юқорилиги
	Минтақанинг бой минераль хом ашё базаси (қурилиш материаллари, метал маҳсулотлари ва бошқалар) Асосий савдо бозорларига яқинлиги (Тошкент ш., Фарғона водийси, Қозоғистон, Россия ва ХХР)		Электро энергия ва табиий газ билан етарлича таъминланмаганлик
<b>ИМКОНИАТЛАР</b> Opportunities	Ишлатилмайдиган бино ва иншоотларнинг, эркин ишлаб чиқариш майдончаларининг мавжудлиги	<b>ХАВФ-ХАТАРЛАР</b> Threats	Норентабель ташиладиган юклар
ЭИЗни ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришда салоҳиятли инвесторлар доирасини кенгайтириш;	ЭИЗни жозибдорлигини пасайиши ва янги инвесторлар доирасининг кенгайиш имкониятининг чекланиши		
Минтақанинг хом ашё салоҳиятидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш соҳасини ихтисослаштириш;	Интермодал логистика марказларининг самарасиз ишлаши		
Ички ва ташқи савдо бозорларига чиқиш;	Ишлаб чиқаришнинг узилиши ва башорат қилинган параметрларнинг бажарилмаслиги		
	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (экспорт) ҳажмининг ошиши;		
	Қурилиш харажатлари ва муддатларини қисқартириш ва корхоналарни тез ишга тушириш;		
	Ички ва ташқи савдо бозорларига чиқиш;		

*Манба: Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида тузилган.*

BRICS давлатлари ичида етакчи давлатлардан бири бўлган Ҳиндистонда ЭИЗларни ташкил этишни жадаллаштириш учун 2000 йилда “Махсус иқтисодий ҳудудлар” сиёсати эълон қилинганлиги алоҳида аҳамиятлидир. Мазкур ислохот сабабли, мамлакатда ташкил этиладиган ЭИЗларнинг сони, уларга киритиладиган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг миқдори (шу жумладан, маҳаллий инвесторлар) ҳам орта бошлади [17].


Эркин иқтисодий зоналар фаолияти ривожланган хорижий мамлакатлар, хусусан, Ҳиндистон, Хитой, Бангладеш кабиларнинг тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг аксариятида эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик шахсларни рўйхатга олиш ва тегишли фаолиятни амалга оширишга рухсатнома бериш тартиблари, эркин иқтисодий зона ҳисобланмаган ҳудудлар конунчилигидан фарқ қилади. Хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида одатда эркин иқтисодий зоналар ҳудудида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилишини қайд этиш ўринлидир [18]. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда мажбурий талаблар ҳам белгиланиши мумкин. Улар жумласига тадбиркорлик субъекти устав капиталининг минимал миқдорини белгилаш, акционерлар сонига қўйиладиган талаблар кабилардан иборат бўлиши мумкин. Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни ташкиллаштириш муносабатлари ўз ичига мазкур ҳудудларда турли инфраструктура объектларини ташкил қилиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда кўмаклашувчи турли хизмат кўрсатиш тармоқлари (банклар, суғурта ва консалтинг хизматлари ва ҳ.к.)ни ташкил қилишдан иборат [13].



**2-расм. Ҳиндистонда ЭИЗларни ташкил этишининг ўзига хослиги**

*Манба: Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида тузилган.*

Ҳиндистондаги йирик ЭИЗ ҳисобланган комплекс ҳудудларни ташкил этишда Ҳукумат ташаббускор ҳисобланади. Бунда давлат ихтиёрида бўлган ЭИЗлар бўлишига қармасдан уларнинг таркибида фаолият олиб боровчи кичик ЭИЗлар нодавлат тузилмалар шаклида фаолият олиб борадилар. Бунда кичик эркин иқтисодий ҳудудлар ўз фаолиятини амалга оширишда комплекс ҳудудлар билан савдо айланмаси самарали тарзда йўлга қўйган. Яъни, кичик эркин иқтисодий ҳудудлар хомашё етказиб беришда комплекс ҳудудларига диллерлик хизматларини кўрсатишади [19].



**2-расм. Дунё мамлакатларида ЭИЗларни барқарор ривожлантиришдаги умумий механизм**

*Манба: Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида тузилган.*

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ЭИЗ мамлакат ҳудудларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришда ўрни муҳим. Хорижий давлатларнинг ЭИЗларни ривожлантиришдаги тажрибалари асосида ЭИЗларни барқарор ривожлантиришдаги умумий механизмни мавжуд.

Юқоридаги тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда ЭИЗларни ривожлантириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин:

- Республикамиздаги амалдаги ЭИЗларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ташкилий-ҳуқуқий жараёнларни соддалаштириш лозим. Ушбу йўналишда рақамли технологияларни тизимга жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу йўналишда Ҳиндистонда кичик саноат ҳудудларининг нодавлат шаклда ташкил этилиш жараёнидан фойдланиш ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин;

- Мавжуд фаолият юритиб келаётган ЭИЗларга, хусусан фармацевтика соҳаси учун хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилиш учун мазкур соҳа бўйича йирик трансмиллий компаниялар учун “Алоҳида

имтиёзлар пакети” таклиф этиш ЭИЗларнинг инвестицион салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан. 24.01.2020. Манба: [www.prezident.uz](http://www.prezident.uz)
2. Dobrogonov F., Farole T. An economic integration zone for the East African community: exploiting regional potential and addressing commitment challenges. World bank policy research working paper 5967. Washington, DC: World Bank.
3. Адрианов В.Д. Специальные экономические зоны. Журнал «ЭКО», 1997, ( № 3), С: 42.
4. Игнатов В.Г., Бутов В.И. Свободные экономические зоны. – М.: Ось-89, 1997.
5. Зименков Р.И. Свободные экономические зоны. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.
6. И.Р.Тазутдинов. Особые экономические зоны в системе обеспечения экономической безопасности. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук Федеральное государственное бюджетное учреждение науки «Институт экономики Российской академии наук» Москва – 2015. 152 с.
7. Баронов В.И., Костюнина Г.М. Свободные экономические и офшорные зоны (экономико-правовые вопросы зарубежной и российской практики): Учебное пособие / - Москва :Магистр, НИЦ ИНФРА-М, 2016. - 560 с.
8. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 180-бет
9. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография Тошкент. “Iqtisod-Moliya”, 201. 326-бет.
10. Остоноқулов А.А. Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш. 08.00.08. Иқтисод фанлари бўйича PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Тошкент., 2017.
11. С.С.Бозаров. Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2018. 45 б.
12. “Taraqqiyot Strategiyasi” маркази тадқиқот натижалари асосида. [www.strategy.uz](http://www.strategy.uz)
13. Камалов М.М. Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий мақоми. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 116 бет.
14. <http://www.xs/index.php/homepage/i-tisodijot/item/11367-erkin-tisodij-zonalar-va-kichik-sanoat-zonalarini-rivozhlantirish-masalalari-mu-okama-ilindi>

15. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги расмий вебсайти ([www.mift.uz](http://www.mift.uz)) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

16. Каримкулов Ж.И. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. ТМИ. 2019 йил. 24 б.

17. SEZ in India – URL: <http://eximguru.com> (Online Exim Encyclopedia)

18. Lotta M. The political economy of special economic zones. Journal of Institutional Economics. Volume 11 / Issue 1 / March 2015

19. Miyagiwa, K. F. (1986), 'A Reconsideration of the Welfare Economics of a Free-Trade Zone', Journal of International Economics, 21 (3): 337–350.